

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018. Ped. 02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЗРАТҚУЛОВ МУТАЛЛИБ РАШИДОВИЧ

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ИНШОНИНГ ЎРНИ ВА УНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)
(педагогика фанлари)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of the abstract of doctor of philosophy(PhD)
on pedagogical sciences**

Ҳазратқулов Муталлиб Рашидович

Адабий таълимда иншонинг ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий-методик
асослари 5

Ҳазратқулов Муталлиб Рашидович

Роль сочинения в литературном образовании и научно-методические основы
его организации 21

Khazratkulov Mutallib Rashidovich

The role of composition in literature education and scientific-methodical basis of
forming it..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018. Ped. 02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЗРАТҚУЛОВ МУТАЛЛИБ РАШИДОВИЧ

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ИНШОНИНГ ЎРНИ ВА УНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)
(педагогика фанлари)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
Б2017.4.PhD/Ped352 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва Ziyonet Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳусанбоева Қундузхон Парпалиевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ниёзметова Роза Ҳасановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Суюнов Ҳусниддин Милтиқбоевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104 Самарқанд давлат университети, Университет хиёбони, 15. Тел: (366) 239-12-29, факс: (366) 239-13-87. e-mail: kengash-pf@samdu.uz)

Диссертация билан СамДУ Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Университет хиёбони 15. Тел: (366) 239-11-51)

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кунини тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х. И. Ибраимов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М. А. Файзиев,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Н. Ш. Шодиев,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасида иншога таълимнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири сифатида қаралади. Иншо ёзиш, айниқса, АҚШ, Англия, Канада каби дунёнинг ривожланган давлатлари коллеж ва университетларида кенг йўлга қўйилган ёзма иш тури ҳисобланади. Коллежларда талабалар ёзма нутқ малакаларини ривожлантириш ва мукамаллаштириш учун иншо ёзадилар. Университетларда эса бундай ёзма иш турларидан бўлажак талабаларнинг саводхонлиги, дунёқараши ва тафаккури мустақиллигини аниқлашда фойдаланилади. БМТнинг “Many languages, one world” (“Кўп тиллар, бир дунё”) шиори остида иншолар танлови мавжуд бўлиб, бундан мақсад талабаларнинг кўп тилларни билиш, нутқий қобилиятини ривожлантириш, маданий онгини юксалтиришга қаратилгандир.

Дунё таълим тизимида замонавий ўқитишни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда хорижий тажрибаларга асосланган “Intellect maps” (интеллект харита), “Think and write” (ўйламоқ ва ёзмоқ) каби шахсни шакллантириш ва ривожлантиришнинг турли методлари мавжуд. Бугунги кунда дунё миқёсидаги барча соҳаларда ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин баён қила оладиган, грамматик саводхонлиги юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж ҳамда талаб ортиб бормоқда. Нафақат келажак фаолияти бадий сўз билан боғлиқ шахсларни шакллантиришда, балки ҳар қандай соҳада иш юритувчи мутахассисни тарбиялашда иншонинг ўрни беқиёсдир.

Мамлакатимиз адабий таълим жараёнида ўқувчилар билими ва интеллектини ривожлантиришнинг турли методлари, усуллари яратилган бўлса-да, иншонинг тарбияланувчи тафаккури мустақиллигини таъминлашдаги, унинг руҳий камолоти ҳамда маънавий соғломлашувидаги бевосита ўрни чуқур тадқиқ этилмаган. Иншони ташкил этишнинг илмий-назарий асослари белгиланмаганлиги, бу борада кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди. Бинобарин, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹, дея таъкидланиши мамлакат ёшларини ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила оладиган юқори малакали мутахассислар этиб тарбиялашда ёзма нутқ ва мустақил тафаккурнинг энг олий шакли бўлган иншо ҳамда уни ёзишнинг тартиб-қоидаларини ўрганиш-ўргатишга асосланган ўқитишни мақсадли ташкил этиш таълимдаги долзарб муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

¹Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б.14.

университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 571-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Она тили ва адабиётни ўқитишда ўқувчиларнинг ёзма ишларини, хусусан, иншоларини ташкил этиш борасида методист-олимлар С.Долимов, С.Исмамов, Б.Турдиев, А.Зуннунов, С.Матжонов, Қ.Ҳусанбоева, О.Мадаев, Т.Ниёзметова, С.Яминова, К.Қосимова, А.Нурмонов, Н.Сатторова, М.Ёқуббекова ва бошқа бир қатор олимларнинг у ёки бу даражадаги қарашлари мавжуд. Лекин бевосита адабий таълимда иншонинг ўқувчи тафаккури шаклланиши, унинг рухий ва фикрий камолоти юксалишидаги ўрни акс эттирилган тадқиқот ишлари кўзга ташланмайди. Адабиёт дарсларида иншоларни ташкил этишнинг илмий-назарий асослари, унинг шахс маънавий камолотини таъминлашдаги аҳамияти ва иншо ёздиришнинг амалий кўриниши борасида кенг кўламли изланишлар олиб борилмаган.

С.Долимовнинг “Таълимий баён ва иншо”² номли рисолида иншо нутқини тўғри қуриш ҳамда фикрни аниқ ифодалашга ўргатиш, мавзуга мос материал тўплаш, қизиқарли, аҳамиятли, ҳақиқий борлиқни акс эттирадиган воқеалар ривожда кетма-кетликни белгилаш, режа тузиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилиши ҳақида фикр юритилган. Лекин иншо ва уни ташкил этишнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, иншо ёзиш асносида ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган кўникмаларни собиқ совет даври адабий таълими мақсадига мувофиқ тарзда ташкил этиш назарда тутилган.

С.Исмамовнинг “Ўрта мактабларнинг юқори синфларида иншо”³ номли рисоли ҳам умумий ўрта таълимнинг юқори босқичида иншони ташкил этишга қаратилган бўлиб, унда, асосан, адабий мавзудаги иншолар ёздиришга эътибор қаратилган. Иншо назарияси ва уни ташкил этиш юзасидан бир қатор маълумотлар келтирилган бўлсада, давр нуқтаи назаридан бир томонлама ёндашилганлик кўзга ташланиб турибди.

²Долимов С. Таълимий баён ва иншо. – Т.: Ўқитувчи, 1968. –Б.103.

³ Исмамов С. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида иншо. –Т.: Ўқитувчи, 1973. –Б.62.

Н.Сатторованинг "Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш (5-синфда она тили ўқитиш жараёнида)"⁴ мавзусидаги диссертацияси она тили дарсларида иншоларни ташкил этишга қаратилган. Она тили дарсларида ташкил этиладиган иншоларда бевосита ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини назорат қилиш мақсади ётади. Адабий таълимда амалга ошириладиган иншоларга махсус мақсаддан келиб чиқиб ёндашиш лозим бўладики, бу мазкур тадқиқот иши объектидан ташқаридаги алоҳида масала ҳисобланади.

О.Мадаевнинг "Иншо қандай ёзилади?" номли қўлланмасида адабиёт дарсларидаги иншо мавзулари, иншо режасини тузиш, иншо ёзишга ўргатиш усуллари ҳақида батафсил фикр юритилади. Бироқ адабиёт дарсларида иншоларни ташкил этишнинг психологик, педагогик ва методик асослари тўлиғича ёритилмаган. Боиси, бу қарашлар методик қўлланманинг талаблари доирасига кирмайди⁵.

Қ.Йўлдошев⁶, М.Мирқосимова⁷, Р.Ниёзметова⁸, С.Яминова⁹, Б.Тўхлиев¹⁰, А.Зуннунов¹¹, Ҳ.Суёнов¹², М.Нурматова¹³ ва бошқа бир қатор олимларнинг мактаб адабий таълимини янгилаш, уни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқот ишларида илгари сурилган илмий ғоялар, талаблар мазмун-моҳияти билан иншони ташкил этишга бевосита дахлдор бўлмасида, билвосита ўз таъсирини кўрсатади. Чунки адабиёт дарсларида бадиий асарлар устида ишлашнинг пухталиги даражаси у ёки бу мавзуда иншо ёзишга ижобий замин яратади. Кўринадики, адабиёт ўқитиш методикаси илмида иншонинг шахс маънавий камолотидаги ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий-назарий ҳамда амалий-методик жиҳатлари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Россияда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари орасида ҳамон иншо ёзишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу маънода, адабиёт ўқитиш методикаси илмида иншо ва уни ташкил этиш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилганини таъкидлаш зарур. Ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш борасида

⁴Сатторова Н. Ўқувчиларнинг иншо ёзиш малакаларини такомиллаштириш (5-синфда она тили ўқитиш жараёнида). Пед. фан. номз ... дисс. –Т., 1995. –Б.142.

⁵ Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? Ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1991. –Б.88.

⁶ Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. д.ри ... дисс. – Т., 1996. –Б.306.

⁷Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед. фан. д.ри ... дисс. – Т., 1996. – Б.252.

⁸ Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида). Пед. фан. д.ри ... дисс. – Т., 2007. –Б.242.

⁹ Яминова С. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш. Пед. фан. номз ... дисс. – Т., 1997. –Б.168.

¹⁰Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2012. –Б.144.

¹¹ Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. –Б.333.

¹² Суёнов Ҳ. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни савол-топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усуллари. Пед. фан. номз ... дисс. автореф. – Т., 2005. –Б.24.

¹³ Зуннунов А., Нурматова М. Ўрта мактабда иншо. –Т.: ТВПХМОИ,1992. –Б.44.

В.Никольский¹⁴, А.Белкин¹⁵, Т.Буякс¹⁶ каби олимларнинг илмий тадқиқотлари самарали ҳисобланса, бевосита адабиёт ўқитишда ўқувчиларнинг иншоларини ташкиллаштиришда А.Григина-Земскова¹⁷, Л.Грышина¹⁸, Т.Ладыженская¹⁹, М.Львов²⁰, И.Старцева²¹, О.Токмакова²², А.Озеров²³ каби методист олимларнинг илмий тадқиқот ишлари, назарий қарашлари, амалий тавсиялари эътиборга моликдир. Айтиш лозимки, Россия мактабларида адабиёт ўқитиш мақсади билан Ўзбекистондаги таълим муассасалари адабий таълими мақсади бир-биридан маълум даражада фарқланадики, бу тадқиқотларда илгари сурилган ғояларни шундайлигича, ўзгаришсиз миллий адабий таълим амалиётида қўллаш асло мумкин эмас. Қайд этилган сабаблар ўрта мактаб адабий таълимида иншо ёздиришнинг бугунги кунга тўғри келадиган илмий-амалий асосларини тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион касбий тайёргарлик маҳоратини ривожлантириш муаммолари (2011 – 2016 йиллар)” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иншони ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари, методик тамойилларини белгилаш, иншо турлари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ҳамда иншоларни текшириш, баҳолаш бўйича илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг иншоларини ташкил этиш борасидаги хато-камчиликларни ўрганиб, уларнинг сабабларини аниқлаш;

иншо турларини илмий таснифлаш ва уларни ташкил этиш борасида аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш;

бошланғич синфлар ўқувчиларига иншо ёзишни ўргатишда энг самарали воситалардан фойдаланиш усулларини ўйлаб топиш;

умумий ўрта таълим мактабларида иншоларни ёзиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар тизимини белгилаш;

¹⁴Никольский В. А. Методика преподавания литературы. – Москва: Просвещение, 1971. –С.256.

¹⁵Белкин А. С. Основы возрастной педагогики. –Москва: Академия, 2000. –С.192.

¹⁶Буякас Т. М. Личностное развитие в условиях работы самопознания, средством которой являются символы // Вопросы психологии. –2000. № 1. –С. 96 – 109.

¹⁷Григина-Земскова А. Сочинения в газетных жанрах (4 – 8 классы). – Москва: Просвещение, 1977. –С.160.

¹⁸Грышина Л. Я., Зенченко О. Г., Лозинская Т. П. Методика подготовки учащихся восьмых классов к выпускному сочинению по открытым темам. – Брянск: Наука, 1982. –С.150.

¹⁹Ладыженская Т. Сочинения на литературную тему как речевое произведение. –Москва: Педагогика, 1985. –С.111.

²⁰Старцева И.Л. Творческие сочинения на литературную тему 5 – 8 классах. Дисс... канд. пед. наук. – Екатеринбург, 1985. –С.169.

²¹Львов М. Р. Работа над сочинением в начальных классах. – Москва: Просвещение, 1991. –С.248.

²²Токмакова О. Как написать сочинение по картине. –Москва: Педагогика, 1972. –С.121.

²³Озеров Ю.А. Раздумья перед сочинением /Практические советы поступающим в вузы. Учебное пособие. –Москва: Высшая школа, 1990. –С.156.

Ўқувчиларнинг иншоларини текшириш ва уларни баҳолаш бўйича зарур методик тавсиялар яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш йўлларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактабларининг иншо ёздириладиган ўқиш ва адабиёт дарслари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синфлар ўқиш ва 5 – 9-синфлар адабиёт дарсларида иншони ташкиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда индукция, дидукция, тест, суҳбат, савол-жавоб, дарс кузатиш, анкета сўровномалари, бадий таҳлил, ўқув (дидактик) таҳлили, тажриба-синов ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иншо ёзишда модулли инструкциялардан фойдаланиш ўқувчиларда ёзма нутқ малакаларининг ривожланишига, мустақил фикрлаш кўникмасининг ошишига асос бўлиши аниқланган;

бошланғич синфларда оғзаки ва ёзма иншоларни ташкил этишда жамоавий, эркин ва индивидуал ёндашув ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш билан бир қаторда уларнинг ақлий, руҳий, маънавий юксалишига таъсир этиши асосланган;

умумтаълим мактабларида иншо ёзишнинг мақсади, шакли, мавзуси ва жанрига кўра турлари таснифланган, иншони ташкил этишда ўқитувчи компетентлиги муҳим ўрин тутиши далилланган;

иншони таҳрир қилиш, текширишнинг адабиёт дарсларига хос тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган ҳамда уларни баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари ўқувчиларда иншо ёзиш кўникма ва малакаларини шакллантириш билан боғлиқ назарий-методик қўлланмалар яратилганлиги, ўқитувчиларга иншоларни ташкил этиш борасида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, иншоларни текшириш борасида таклиф этилган методик йўл-йўриқларда намоён бўлади.

Бундан ташқари, мактаб ўқувчиларини иншо ёзишга йўналтириш методикасининг янгиланганлиги, муайян материаллар мисолида назарий қарашлардан келиб чиқадиган ҳамда мустақил тафаккур ва маънавий камолотни таъминлашга хизмат қиладиган билим, кўникма, малакалар базасида берилган материаллар мажмуи ҳам тадқиқот ишининг амалий аҳамиятини оширади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзу юзасидан республика ва хориж педагог-олимларининг илғор илмий-назарий ғояларига асосланганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги, мустақил тафаккур ва ёзма нутқ кўникмаларини такомиллаштириш механизми яратилганлиги, тадқиқотда олға сурилган илмий ғояларнинг тажриба-синовда ижобий натижа берганлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили ижобий эканлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ғоялари “Адабиёт ўқитиш методикаси” фанидан ўтиладиган сабоқларга татбиқ этилса, иншога муносабат ўзгаради. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш асосида ёшлар маънавиятида эзгу сифатлар қарор топади. Адабий таълим самарадорлиги ортади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, умумтаълим мактаблари адабиёт дарсларида иншо ёздиретиш ва уни текшириш бўйича ўқув ҳамда методик қўлланмалар яратиш мумкин. Уларда иншо ёздиретиш самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилади. Тадқиқот натижалари адабиёт ўқув фани мазмунини бойитишга, ўқувчилар ёзма саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб ўқувчилари маънавий камолотини таъминлаш ва адабий таълим самарадорлигини оширишда:

иншо ёзишда модулли инструкциялардан фойдаланиш, ўқувчиларда ёзма нутқ малакаларини ривожлантириш, иншоларни ташкил этишда жамоавий, эркин ва индивидуал ёндашувларга оид таклифлардан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгазининг 2015 йил 27 апрелдаги 20, 22-ҚҚ, 14/6-5474/6,01-04/464-сон қарори билан тасдиқланган “Хуқуқ билимдонлари” республика иншолар танловининг меъёрий-методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 24 январдаги 01-20-сон маълумотномаси). Натижа танлов иштирокчиларида иншонинг тафаккур мустақиллигини таъминлашдаги, унинг руҳий камолоти ҳамда маънавий соғломлашувидаги аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилган;

ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, маънавий оламини бойитиш, сўз бойлигини оширишга оид таклифлар Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган қатор кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 19 ноябрдаги 14-01-163-сон маълумотномаси). Мазкур кўрсатувлар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, кенг дунёқарашни эгаллашга ўргатиш борасидаги маълумотлар билан бойиган;

иншо ёзиш турлари, иншони ташкил этишда ўқитувчи компетентлиги, жамоавий, эркин ва индивидуал ёндашувлар, иншони таҳрир қилиш ва текшириш хусусиятларига оид таклифлар “Бошланғич синфларда ёзма ишларни ўргатиш” ўқув модули мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 декабрдаги 89-03-4317-сон маълумотномаси). Ушбу ўқув мазмуни бўйича ташкил этилган машғулотлар орқали бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг иншоларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолашга оид компетенцияларини ривожлантириш имкони юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари иккита халқаро ва ўнта республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича ўн бешта илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда саккизта мақола, жумладан, олтитаси республика ҳамда иккитаси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч асосий боб ва умумий хулосаларни ўз ичига олиб 154 саҳифани ташкил этади. Шунингдек, ишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва бир қатор иловалар ҳам тавсия этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иншо ўқувчиларнинг атроф-муҳитга, ўзгаларнинг хатти-ҳаракатлари ва ўз хулқ-атвориغا муносабатини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўқувчи унга танлаш имконияти билан берилган иншо мавзулари устида изланади, фикрлайди, ишлайди. Иншо ўқувчининг шахс сифатида шаклланишида, унинг маънавий комиллик йўлини тутишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммога бағишланган диссертациянинг **“Маънавий баркамол шахсни шакллантиришда иншонинг ўрни”** деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унинг *“Иншо – ўқувчи шахсини шакллантиришининг муҳим воситаси”* деб аталган илк параграфда ўқувчи иншо устида ишлар экан, ўз ҳаётий тажрибаси, мактаб таълими, мустақил китоб ўқиши давомида тўплаган билимларидан танланган мавзуга мос материалларни саралаш ва иншо мавзусини ишонч билан очишга ҳаракат қилиши айтилади. Шу аснода ўқувчилар саралаб олинган материалларни мантиқий изчилликда жойлаштириш, иншо мазмунига мос келадиган сўз ва ибораларни танлаш кўникма ҳамда малакаларини ҳам эгаллаб борадилар. Бу кўникма ва малакалар ўқувчига тайёр ҳолда, яхлит тарзда берилмайди ёки улар ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Ўқитувчи уларни тизимли таълим ва давомли машқлар асносида ўқувчилар онги-шуурига сингдириб бориши муҳим аҳамият касб этиши мазкур параграфда алоҳида таъкидланган.

Биринчи бобнинг *“Умумий ўрта таълим мактабларида иншоларни ташкил этишда ўқитувчи компетентлиги ва педагогик ҳамкорликнинг ўрни”* деб аталган иккинчи параграфда компетентлилик тушунчаси ва унинг адабиёт ўқитувчиси учун қанчалар аҳамиятли экани, адабиёт муаллимида билим, кўникма, малака, тажриба ва шахсий сифатларнинг уйғунлиги адабий таълим самарадорлиги учун нечоғлик муҳимлиги, ҳар бир шахсда мавжуд бўлган уйғотиладиган имкониятни маҳсулдор имкониятга айлантириш адабиёт ўқитувчиси учун алоҳида фаолият эканини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Адабий таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликка асосланган дўстона муҳитни вужудга келтириш шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай ўқув-билув жараёнида ўқувчининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосида иш юритилади. Ўқитувчи билан ўқувчи орасида ўзаро ҳамкорлик муҳити яратилаётганда барча ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Бу жараёнда ўзаро тенглик муҳити ҳукмрон бўлади, бадий муаммоларни ҳал этиш ҳамкорлик, демократия ва толерантлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Бу жараёнда ўқувчилар оддий таълим олувчилар эмас, балки таълим-тарбия жараёнининг тенг ҳуқуқли, ҳамкорлик асосида жипслашган иштирокчилари бўлишларига эришилади. Мазкур параграфда мана шулар ҳақида батафсил мулоҳаза юритилган.

Бобнинг *“Иншоларни ташкил этишга қўйиладиган психологик, педагогик ва методик талаблар”* деб номланган учинчи параграфда психологик адабиётларда илгари сурилган ижод жараёнида инсон ақлининг фаолияти унинг ўзи томонидан бевосита кузатилмаслиги, бу фаолиятнинг нечоғлик мустақиллигини кузатиш ҳамда уни ривожлантириш таълим-тарбия жараёни, хусусан, ўқитувчининг вазифаси эканлиги адабиёт дарсларида иншоларни ташкил этиш мисолида очиб беришга ҳаракат қилинган.

Ўқувчилар иншо устида ишлар экан, ўз ҳаётий тажрибаси, мактаб таълими, мустақил китоб ўқиши давомида тўплаган “билимлар омбори”дан берилган мавзуга мос маълумотларни саралайдилар ва мавзуга тегишли бўлмаганларига эътибор қилмай, иншо мавзусини ишонч билан очишга ҳаракат қиладилар. Улар саралаб олинган материалларни мантиқий изчилликда жойлаштириш, иншо мазмунига мос келадиган сўз ва ибораларни танлаш кўникмасига эга бўлиб борадилар.

Ҳар қандай ўқитувчидан, хусусан, адабиёт муаллимидан таълимнинг ҳар босқичида ҳар бир алоҳида ўқувчининг шахси, интеллектуал имкониятлари, интилишлари ва қизиқишларини билиш талаб қилинади. Бу жараёни бевосита иншоларни ташкил этиш билан боғлаб шуни айтиш мумкинки, ўқувчи адабий таълимнинг ҳар босқичида ўрганилаётган бадий асарлар қаҳрамонларини ўзига хос тарзда қабул қилади. Иншо ёзиш асносида уларнинг шахсига, хатти-ҳаракатларига муносабат билдиришда ҳам ҳар хиллик бўлади. Бўлимда болага хос бундай индивидуал хусусиятларни билиш адабиёт ўқитувчиси иш фаолиятида катта аҳамият касб этишини ёритишда психологик, педагогик манбаларга таянилган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, адабиёт дарсларида ўқувчилар иншоларини ташкил этишнинг методикасини яратишга ҳаракат қилинган. Бобда илгари сурилган ғоялар юзасидан тегишли хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **“Адабиёт дарсларида иншоларни ташкил этиш методикаси”** деб аталган иккинчи боби ишнинг асосини ташкил этади. Бобда иншо ижодий иш бўлганлиги сабабли ўқувчидан юқори даражадаги мустақиллик ва фаолликни талаб қилиши таъкидланган. Иншода: фақат ўз шахсий фикрини ифодалаш талаб қилиниши; иншога материал тўплаш ва

уни тизимлаштириш; иншонинг режасини тузиш; фикрлар орасида мантикий боғланиш ўрнатиш; муносиб сўзлар, иборалар ва сўз бирикмаларини танлаш; гапларнинг қурилиши ҳамда улар орасидаги боғланишни аниқлаш; имловий жиҳатдан текшириш каби мураккаб ҳаракатлар мажмуи ўқувчидан нафақат барча ақлий салоҳиятини ишга солиш учун етарли билимни, балки ўз интеллектуал фаолиятини бошқариш малакасини ҳам талаб қилиши айtilган ва бунинг учун зарур бўлган топшириқлар тизими тавсия қилинган.

Бобнинг *“Иншо турлари ва уларни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари”* деб номланган биринчи параграфиди иншоларнинг С.Долимов, Б.Турдиев ва М.Рибниковалар томонидан тақдим этилган таснифи такомиллаштирилган, тўлдирилган ҳолда тавсия этилган. Мактаб иншолари таълимий, назорат, оғзаки, ёзма, адабий, эркин, тасвирий, ривоя, муҳокама, шахсий кузатиш асосидаги, махсус, тасодифий ва ташкиллаштирилган, расмлар асосидаги, илмий ва илмий-оммабоп асарлар юзасидан ёзиладиган, эшитилган воқеалар асосидаги, ўхшашлик ва намуна асосида ёзиладиган иншолар каби турларга ажратилиб, улардан асосийлари моделлаштирилган. Иншолар мақсади, шакли, мавзуси, усули, жанри ва бажарилиш ўрнига кўра таснифланган. Ишда иншоларнинг қирқдан ортиқ тури тавсия этилган бўлиб, уларни ташкил этишга қўйиладиган методик талаблар ҳам ўз аксини топган. Иншоларнинг кўпчилигига хос бўлган етакчи ва иккинчи даражали хусусиятлар ажратиб кўрсатилган, алоҳида мавзулар мисолида амалий намуналари тақдим этилган.

Ушбу бобнинг *“Бошланғич синф ўқувчиларига иншо ёздирши йўллари”* номли иккинчи параграфиди бошланғич таълимнинг дастлабки бўғинида алифбегача ва алифбе даврида (тахминан, 12 – 13 ҳафта), ҳали ўқиш ҳам, ёзиш ҳам тўла ўзлаштирилмаган даврда, ўқувчиларни ўз кузатишлари, қизиқишлари, ҳар хил ҳаётий воқеалар (машғулотлар, ўйинлар, мавсумий меҳнат) бўйича расмлар, ўйинлар ёки ҳаётий ҳодисалар асосида оғзаки ҳикоя-иншолар тузишга йўналтириш, шу мақсадда ташкил этилган амалий машғулотлар мактаб адабий таълимининг дастлабки босқичида иншони ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш экани таъкидланган. Назарий қарашларнинг амалий кўриниши: *“Полапонни қутқариш”*, *“Экин учун фойдали ва зарарли жонзотлар”*, *“Биринчи қор”* ва *“Далада”* сингари бир қатор мавзулардаги оғзаки иншоларни ташкил этиш намуналари мисолида тақдим этилган. *“Think and write”* методи асосида иншо ёздирши ўқувчиларни танланган мавзу устида фикрларини ривожлантиришга ўргатади, уларнинг шахсий қарашлари ва қизиқишларини шакллантиради, ўқувчиларга ўзларини ҳавотирга солган ёки тўлқинлантирган нарсаларни айтиш имконини беради. Бу ўз навбатида, ўқувчиларни адабиёт билан таништиради, уларни ўз шахсияти, билими ва дунёқарашини намойиш этишга йўналтиради.

Иккинчи бобнинг *“Ўрта мактабларда ёздириладиган иншолар ва уларга қўйиладиган талаблар”* сарлавҳали учинчи параграфиди ўқувчиларнинг бадиий битиклар мазмуни, адабий қаҳрамонлар характери,

адабий-назарий тушунчалар бўйича олган билимларини ижодий иншолар ёзиш орқали мустаҳкамлаш асосий мақсад қилиб олинган ва уларни ташкил этиш борасида илмий-методик қарашлар ҳамда уларнинг амалий намуналари таклиф сифатида тақдим этилган.

5–9-синфлар мисолида тақдим этилган: “Хусниябону” эртаги қаҳрамони мисолида портрет-иншо ёзиш (5-синф); Миртемирнинг “Тўрғай” шеъри асосида янги бадиий матн-иншо, «Тошбақа ва Чаён» масали матнига таяниб янги иншо-эртақ яратиш, “Бемор” ҳикояси мисолида тасвирий иншо ёзиш, И.Юсуповнинг “Қадрдон сўқмоқлар” шеъри мазмунидан келиб чиқиб ижодий иншо ёзиш, “Маймун-малика” ва “Зар кокилли йигит” эртақларининг сюжет чизиғи мисолида қиёсий иншо ёзиш (6-синф); Асқад Мухторнинг “Бир туп ўрик...” номли шеъри асосида қиёсий-ижодий иншо (7-синф); “Мен севган адабий қаҳрамон”, “Мен ёқтирган шеър”, “Мен ёқтирган саҳифа” мавзуларида адабий иншо, А. Мухторнинг “Чинор” романи асосида “Қўрқув, инсон ва жамият” мавзусида муҳокама иншо (8-синф); “Фарҳод тимсолига тавсиф” мавзусида назорат иншоларини ташкил этиш (9-синф) намуналари ўқувчиларни ҳар хил шакл, мақсад, жанр ва бажарилиш услубига кўра иншо ёзишга йўналтиришнинг бир кўринишидир. Параграфда таклиф этилган усуллар ҳам илмий-назарий, ҳам амалий-методик жиҳатдан очиқ берилган. Махсус модуллар сюжет чизиқлари ва жадваллар мисолида тақдим этилган. Бобнинг мазмуни юзасидан маълум хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот ишининг “Ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлили” боби биринчи параграфи *“Иншоларни текширишга қўйиладиган талаблар ва уни ташкил этиш масалалари”*га бағишланган бўлиб, унда ўқувчилар адабиёт дарсларида ёзган иншоларини текшириш ва баҳолаш мезонларини белгилашга ҳаракат қилинган.

Проф. А.Зуннунов “Адабиёт ўқитиш методикаси” китобида ўқувчилар иншосида учрайдиган типик хатолар сифатида куйидагиларни кўрсатган:

1. Иншо темасининг туб моҳиятини англатувчи масалаларга қараганда иккинчи даражали масалаларга кўпроқ аҳамият қаратадилар.

2. Ёзувчининг ўзига хос услубини, бадиий маҳоратини эмас, балки асарларини санаб ўтиб, мазмунини қисқача баён этадилар.

3. Қаҳрамон образи анализиде ёзувчи олдинга сурган асосий ғоя ҳақида фикр юритмайдилар.

4. Асарни анализ қилишда, образларга характеристика беришда мустақил фикр билдирмайдилар.

5. Иншо темасини тузилган режа асосида изчилликда ёритмайдилар²⁴.

Бундан шундай фикр келиб чиқадики, ёзилажак иншо мавзусининг туб моҳиятини англаш, ёзувчи илгари сурган ғоя ҳақида фикр юритиш, тимсолларга характеристика беришда муаллифда мустақил фикрнинг мавжудлиги, фикр ифодалашдаги изчиллик, асардаги мавзуга доир муҳимни номуҳимдан фарқлаш билан боғлиқ жиҳатлар ўқувчи иншосини баҳолашда

²⁴Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. Б.–133.

асосий мезони бўлиб хизмат қилади. Яъни, адабий таълимдаги иншоларни баҳолашда иншонинг тили, имло меъёрлари ва ишора (пунктацион) хатоларидан кўра ундаги мазмун, билдирилган фикрнинг аҳамиятлилик даражаси, ижодкорлик, ўқувчи дадил айтган муносабатлар ва уларнинг далилланишининг биринчи планга чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Россия Федерацияси умумтаълим муассасаларида иншо ва баёнга ҳамон иккита баҳо қўйилади: биринчисига, ишнинг мазмуни ва нутқнинг шаклланганлиги (адабий маҳорати); иккинчисига орфографик, пунктацион ва нутқ нормалари (грамматик саводхонлиги) га қанчалик амал қилингани асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳам (мактаблар ўн бир йиллик тизимга ўтиши муносабати билан) мактабни битирув имтиҳонлари ёки олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларида ёзиладиган иншоларни текширишга ўқувчи ва абитуриентларнинг ҳам она тилидан, ҳам адабиётдан билимлилиги, саводлилиги даражаси, тафаккурининг мустақиллиги, мавзунинг ёритилиши сингари бир қатор талаблар билан ёндашилади. Ёзилган иншоларга қўйиладиган (ҳам она тили, ҳам адабиёт бўйича) талаблар умумлаштирилади. Яъни хатолари ҳам, мазмуни ҳам инобатга олинади ва иккита баҳо қўйилади.

Шу маънода, адабиёт дарсларида тарбияланувчиларнинг маънавий соғломлиги, тафаккур мустақиллиги, фикр изчиллиги ва шахсий муносабатини шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган иншолар текширилганда иншога битта баҳо қўйилади ва бунда қуйидаги жиҳатлар муҳим омил ҳисобланади:

1. Ўқувчи фикрнинг мустақиллигига, ўзига хослигига, унинг композицион ва нутқий яхлитлигига алоҳида эътибор қаратилади. Оригинал қарашларнинг мавжудлиги ва ўринли мисоллар келтирилганлиги баҳонинг оширилишига асос бўлади.

2. Агар иншонинг ҳажми белгиланган меъёрдан бир ёки икки баробар ортиқ бўлса ҳам, ҳажмнинг кўплиги иншони юқори баҳолашга асос бўлолмайди.

3. Агар мавзу мазмунан очилмаган бўлса, гарчи бошқа жиҳатлардан иш жуда яхши ёзилган бўлса ҳам, баҳо ижобий ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, адабиёт дарсларида ташкил этилган иншоларни текшириш ва баҳолашда қуйидагилар ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир:

ёзилган ишнинг мавзуга мос келиш-келмаслиги;
эпиграфнинг мавзуга ва иншо матнига мослиги;
режа бандлари орасида мантиқий боғланиш мавжудлиги;
иншо режа асосида ёзилгани, материал қанчалик изчил баён этилгани;
мавзунинг ёритилишида мантиқ борлиги;
иншо композициясининг бутунлиги;
иншонинг қисмлари ҳажм жиҳатидан тўғри шакллантирилгани;
иншо матнида кўчирмалар борлигига. Агар бор бўлса уларнинг ўринли ишлатилгани;

далиллар келтиришда хатоликларга йўл қўйилмагани;
фикр чалкашликлари йўқлиги;
иншонинг мазмунан мавзу ва асосий фикрга қанчалик мослиги;
мавзунинг очилганлик даражаси;
далилларнинг қўлланилганлиги ва асослилиги;
фикр баёнининг изчиллиги;
хулосаларнинг асослилиги;
муносабатнинг мустақиллиги.

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этиладиган иншолар қанча кўп ёздирилса, адабиёт дарсларида уюштириладиган иншоларда фикр изчиллиги, услуб равонлиги, хулосаларнинг мустақиллиги ва асослилиги, шахсий муносабатнинг мавжудлиги, ишнинг ўқишлилигини таъминлашда шунча муваффақиятга эришиш мумкин.

Бу каби иншоларни баҳолашда юқорида саналган талабларнинг мавжудлик даражасидан келиб чиқиб иш тутилади. Уларнинг деярли барчаси акс этган ишларга «5»; нисбатан камроқ талаблар амалга оширилган ишларга «4»; деярли камраб олинмаган иншоларга эса «3» баҳо қўйилади. “2” баҳо қўйиш-қўймаслик масаласига эътиборлироқ бўлиш лозим. Агар ўқувчи иншода нимадир фикр айтган бўлса, қониқарли “3” баҳога лойиқ ҳисоблаш керак. Аксинча ҳолда баҳолаш масаласини очиқ қолдириш тўғрироқ ҳисобланади.

Бобнинг иккинчи параграфи “*Таълим босқичлари адабиёт дарсларида ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни*” деб номланиб, унда тажриба-синов ишларини бошлашдан олдин ўқитувчиларнинг билимдонлиги даражасини аниқлаш мақсадида анкета сўровномалари ўтказилганлиги ва унинг таҳлили келтирилган. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳридаги 64-, Ургут туманидаги 26-, Урганч шаҳридаги 4-, 11-, Гулистон шаҳридаги 1-, 14-умумтаълим мактабларида уч йил давомида олиб борилган тажриба-синов ишлари мобайнида ўқувчиларнинг иншо ёзиш даражасининг ўсиши кузатилди. Кейинги икки йил (2015 – 2016) мобайнида адабий мавзудаги ижодий иншоларни вилоятлар миқёсида бошқа ўқитувчилар амалиётига жорий этиб синаб кўрилди.

Дастлаб ўқувчиларнинг адабиёт дарсларида ёзган ижодий ишларини баҳолаш учун бошқа давлатларнинг иншоларни баҳолаш мезонларига асосланган ҳолда махсус мезонлар белгилаб олинди:

бадий сўзга таянилган ижодий ишлар учун: бадийлик ва тафаккур образлилигининг устуворлиги;

назарий-адабий тушунчага таянилган ишлар учун: назарий билимларнинг устуворлиги, ижодий тафаккур унсурларининг мавжудлиги (ақлнинг эгилувчанлиги, мантиқий фикрлаш, кетма-кетлилик);

ахлоқий тушунчаларга таянилган ишлар учун: эстетик вазиятнинг мавжудлиги, ўқилганларни шахсан тушуниб етилганлик даражаси;

маълум мақсадга йўналтирилган иншо турларига хос бўлган хусусиятларнинг тушунилганлиги даражаси;

иншо мавзуси ва ғоясини изоҳлашда мушоҳаданинг мавжудлиги ҳамда асардаги етакчи қарашларни тушуниб етганлик;

иншонинг оригиналлиги (ғалати қаҳрамонлар, мустақил ўйлаб топилган қизиқарли буюмлар, ғайриоддий ҳаракатлар) ва бқ.ларнинг мавжудлиги;

фикр ифодалашда мантиқийлик, кетма-кетлилик, шарҳлаш, тасаввур фаолиятининг мавжудлиги;

нутқнинг ҳиссийлик даражаси, иншода монолог ва диалоглардан фойдаланилганлик даражаси;

иншо ёзишда ўқувчиларнинг шахсий муносабат билдира олиш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси;

ўқувчиларнинг иншо мавзусини очиб беришдаги ижодий ёндашуви, мустақил муносабатларнинг мавжудлиги;

иншо ёзишда ўқувчи фаолиятининг эркинлик, онглилик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланганлиги;

ўқувчиларда воқеа-ҳодиса, шахс ва унинг хатти-ҳаракатига муносабат билдириш кўникмасининг шаклланганлик даражаси;

ўқилган асардан олган таассуротларини ёрқин ифодалаб бера олиш даражаси;

адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига билдирилган муносабатини асослай билиши;

адабий тарихий даврлар, адиблар ижодига берилган баҳонинг ҳаққонийлиги ва асослилиги.

Тажриба-синов ишлари якунида бошланғич синфларда 98 ўқувчи иншо ёзди. Натижа мезонларга мувофиқ равишда баланд даража – 12,2%ни ташкил этди. Бу тасдиқловчи иншо ўтказилганидан сўнг 11,2%га ошганлигидан дарак беради, ўртача даража 42,8%ни (17,3%га кўп), паст даража 44,8%ни (олдин 73,4% бўлган) кўрсатди.

5–9-синф ўқувчиларида ижодий тафаккур ва нутқ маданияти ривожланишининг баланд даражаси 9,2%ни, ўрта даражаси 19,1%ни, паст даражаси 28,2%га ошганлигини кўрсатди.

Умуман олганда, тажриба-синов ишлари натижаларига кўра, унинг тасдиқлаш тажрибасига қиёсланганда, шунга амин бўлиндики, тасаввур, ижодий фикрлаш ва нутқ маданияти ривожланишининг баланд даражаси 9,6%га, ўрта даража 18,5%га ўсган, паст кўрсаткичли ўқувчилар миқдори деярли 28,2%га ўзгарган. Бу далилларга асосланиб, тажриба натижалари ижобий ва самарали эканлиги асосланган ҳолда қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

ўқувчиларга иншо мавзусини танлаш имкониятини бериш;

иншо ёзиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги кўринмас энергетик ахборот оқими, ўқувчиларнинг фикрий фаоллиги ўқитувчининг компетентлилик даражасига боғлиқ эканини англаш;

ўқувчиларда бадиий асарлар ўқишга бўлган иштиёқ – китобхонлик маданиятини ривожлантириш;

бадий матнни таҳлил қилиш, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш, ўқилган асардан шахсий хулосалар чиқара олиш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

бадий асар мазмуни ва моҳиятини, ундаги гўзаллигу нафосатни ҳис этишга ўргатиш кўникмасини шакллантириш;

ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятининг шаклланиши ва ривожини учун имконият яратиш;


иншо ёзиш орқали ўқувчиларнинг индивидуал ва шахслик фазилатларини ривожлантириш, уларда соғлом эътиқодга таянадиган маънавий иммунитетни шакллантириш.

Бобнинг сўнгги параграфи “*Олиб борилган эксперимент ишлари натижалари таҳлили*”га бағишланган. Тажриба-синов ишларида Самарқанд, Хоразм, Сирдарё вилоятларидан олти юздан ортиқ ўқувчи қатнашиб, натижалар таҳлилида математик-статистик методдан фойдаланилди. Тажриба-синов натижалари таҳлиliga кўра сезиларли ижобий натижалар қўлга киритилгани диссертациядаги жадвалда акс этган (3.1-жадвалга қаранг).

Ўқувчилар сонидан математик-статистик таҳлил учун ўртача (ўқувчиларнинг умумий сони мактаблар сонига нисбатан олинди) 124 ўқувчи танлаб олинди. Тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар қуйидагича(3.3-жадвалга қаранг):

3.3-жадвал

Қачон	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
		100–86 “5”	85–71 “4”	70–55 “3”
Тажрибадан олдин	124	-	36 29%	88 70,9%
Тажрибадан кейин	124	12 9,6%	59 47,5%	53 42,7%



1-расм

Математик-статистик таҳлил натижаси

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади:

$$\bar{X} = 3,6 \quad \bar{Y} = 3,3 \quad \Delta_m = 0,06 \quad \Delta_n = 0,03$$

га тенг.

Олинган натижалардан адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг иншо ёзиш самарадорлиги мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълум бўладики, тажрибадан кейинги ҳолат тажрибадан олдинги ҳолатдан юқори. Демак, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари иншо ёзиш даражасини оширишда яхши натижаларга эришилган, дейиш мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда боб мазмуни юзасидан маълум хулосалар чиқарилган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Иншо маълум бир асар, бирор ҳаётий ҳодиса ёки тасвирий санъат намуналари асосида ўқувчиларнинг ўз фикр-мулоҳазалари, мушоҳада-муносабатларини ифодалашни талаб қиладиган ёзма иш сифатида адабиёт ўқитишда ташкил этиладиган асосий иш турларидан биридир.

2. Бугунги адабий таълимда ўқувчилар билими ва интеллектини ривожлантиришнинг турли методлари, усуллари яратилган бўлса-да, иншонинг тарбияланувчи тафаккури мустақиллигини таъминлашдаги, унинг руҳий камолоти ҳамда маънавий соғломлашувидаги бевосита ўрни чуқур тадқиқ этилмаган. Иншони ташкил этишнинг илмий-назарий асослари белгиланмаган, бу борада кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмаган.

3. Иншо ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга, ўз фикрини ёзма равишда саводли, равон ва маълум изчилликда баён этишга ўргатиш билан бирга муносабат билдиришга, оқ билан қорани, ҳалолу ҳаромни, тўғри ва нотўғрини фарқлашга, бу каби ҳақиқатларнинг шахсий ҳаёти ҳамда фаолиятидаги аҳамиятини англашга, айни замонда ўзлигини тушунишга кўмаклашади. Шу маънода иншо бугун миллатнинг ёппа саводхонлиги масаласига ўз ижобий таъсирини кўрсатувчи муҳим машғулот тури сифатида янада долзарб аҳамиятга моликдир.

4. Ўқувчилар маънавий камолотини таъминлашда иншонинг: таълимий, назорат, оғзаки, ёзма, адабий мавзулар асосидаги, эркин мавзулардаги, тасвирий санъат асарлари намуналари мисолидаги, ривоя шаклидаги, тасвирий, муҳокама, шахсий кузатишлар тарзидаги, тасодифий ёки махсус ташкил этилган кузатишлар замиридаги, расмлар мазмуни билан боғлиқ, илмий, илмий-оммабоп ва публицистик матнлар юзасидан ёзиладиган, эшитилган ёхуд кўрилганлар асосида битилладиган, ўхшашлик ҳамда намуна бўйича яратилладиган ва ҳк. турларидан фойдаланиш яхши самара беради.

5. Бошланғич таълимда ҳар хил ҳаётий воқеалар, ўйинлар асосида иншо ташкил этиш муҳим самара беради. “Think and write” методи асосида иншо ёздириш ўқувчиларни танланган мавзу устида фикрларини

ривожлантиришга ўргатади, уларнинг шахсий қарашлари ва қизиқишларини шакллантиради, ўқувчиларга ўзларини хавотирга солган ёки тўлқинлантирган нарсаларни айтиш имконини беради. Бу ўз навбатида, ўқувчиларни адабиёт билан таништиради, уларни ўз шахсияти, билими ва дунёқарашини намойиш этишга йўналтиради.

6. Бугунги ўқувчилар эртага қайси касб эгалари бўлишидан қатъи назар, биринчи навбатда, маданиятли, маънавий баркамол кишилар бўлишлари лозим. Бугунги кунда маданиятли киши эркин ва саводли ёза билиши ҳамда гапира олиши лозим. Шахсни ўз фикр ва туйғуларини хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма равишда ифодалаш малакаси ривожлантириш мумкин эмас. Шахсни шакллантириш ва ривожлантириш, аввало, маънавий юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишнинг дастлабки шартларидан биридир.

7. Адабиёт дарсларида ташкил этилган иншоларни текшириш ва баҳолашда: ёзилган иш мазмунан унинг мавзусига қанчалик мос келиши; агар эпиграф мавжуд бўлса унинг мавзуга ва иншо матнига мослиги; режа бандлари орасида мантиқий боғланиш мавжудлиги; агар иншо режа асосида ёзилмаган бўлса, фикрлар қай даражада изчилликда баён этилганлиги; материалнинг ёритилишида мантиқнинг мавжудлиги; асосий композицион талаблар (кириш, асосий қисм ва хулоса)нинг акс этганлиги; иншонинг қисмлари ҳажм жиҳатидан қанчалик тўғри шакллантирилганлиги; асосий фикрларнинг қандай ёритилганлиги; иншога киритилган кўчирмаларнинг қанчалик ўринли экани; далиллар келтиришда хатоликларга йўл қўйилмаганлиги; фикр ифодалашда чалкашликларнинг бор-йўқлиги кабилар устуворлик қилади.

8. Иншоларни баҳолашда талабларнинг мавжудлик даражасидан келиб чиқиб иш тутилади. Уларнинг деярли барчаси акс этган ишларга «5»; нисбатан камроқ талаблар амалга оширилган ишларга «4»; деярли камраб олинмаган иншоларга эса «3» баҳо қўйилади. “2” баҳо қўйиш-қўймаслик масаласига эътиборлироқ бўлиш лозим. Агар ўқувчи иншода нимадир фикр айтган бўлса, қониқарли баҳога лойиқ ҳисоблаш керак.

9. Ўқувчида қабул қилган қарори учун жавобгарликдан қўрқмаслик ва янгиликлар ўйлаб топа билиш қобилиятини шакллантиришга имкон берадиган ижодий тафаккур ва эркин тасаввурни ривожлантириш адабиёт ўқитувчиларининг асосий юмуши ҳисобланади. Иншо ёзиш орқали ўқувчиларда ижодий фикрлаш қобилиятини, хаёл қилиш истагини уйғота билиш ўз фикри ва дунёқарашига эга бўлган баркамол авлод тарбиясининг самарадорлигини таъминлайдиган йўлдир. Бундай авлод Ватанимизнинг эртанги куни, шарафи ва виждони бўлиб улғаяди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.2706.2017.Ped.26.01 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЗРАТКУЛОВ МУТАЛЛИБ РАШИДОВИЧ

**РОЛЬ СОЧИНЕНИЯ В ЛИТЕРАТУРНОМ ОБРАЗОВАНИИ И
НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЕГО ОРГАНИЗАЦИИ**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (узбекская литература)
(Педагогические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером Б2017.4.PhD/Ped352.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хусанбоева Кундузхон Парпалиевна, доктор филологических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Ниёзметова Роза Хасановна доктор педагогических наук, профессор Суюнов Хусниддин Милтиқбоевич доктор педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентском область Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2018 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87; e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по №_____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2018 года).

Х.И.Ибраимов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

М.А.Файзиев

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.п.н., доцент

Н.Ш.Шодиев

Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом опыте сочинение является неотъемлемой частью образования. Сочинение – это широко распространённый вид письма, который широко используется в колледжах и университетах мира, таких как США, Англия, Канада. В колледже студенты пишут сочинение для разработки и улучшения навыков письма. В университетах этот тип письма используется для определения независимого мнения, грамотности и мировоззрения будущих студентов. Существует конкурс сочинений под лозунгом Организации объединённых наций “Many languages, one world” «Много языков, один мир», целью которого является развитие многоязычия у студентов, улучшение их языковых способностей и повышение их культурной осведомлённости.

Существуют различные методы в мировом образовании в разработке и развитии системы современного обучения, для формирования и развития личности, такие как “Intellect maps” (карта интеллекта), “Think and write” (думай и пиши). На сегодняшний день, потребность и спрос на высококвалифицированных специалистов грамотно владеющих письмом и устной речью растёт во всех регионах мира по всем специальностям. Не только для будущей деятельности, связанной с художественной выразительностью, а также в формировании и воспитании личности, специалиста работающего в области делопроизводства, образования.

Несмотря на то, что в нашей стране были созданы различные методы и приёмы в процессе литературного исследования, для развития знаний и интеллекта студентов, роль сочинения в формировании независимого мышления, в духовном совершенствовании и духовном благополучии не была тщательно изучена. Отсутствие научных и теоретических основ для организации сочинений и отсутствие обширных исследований по этому вопросу определяют актуальность выбранной темы. Следовательно, «Мы мобилизуем все силы и возможности нашего государства и общества, чтобы наша молодёжь стала счастливой, независимой, интеллектуально и духовно могущественной, не уступающая своим сверстникам из других стран ни в одной сфере»²⁵, просвещение молодежи в Узбекистане как высококвалифицированных специалистов, способных свободно выражать свои мысли в устной и письменной форме на основе сочинений, также является высшей формой независимого мышления и одной из наиболее актуальных проблем в области образования.

Эта диссертационная работа в определенной степени служит для осуществления задач, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года № УП-4797 «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», указом Президента Республики

²⁵Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б.14.

